

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
46. Муминов А., Норов Ш. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж. АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
48. Мўминова Г.Э. ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
49. Муталлибжонов М.М. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
50. Нафиддинова Х.Р. БУХОРО ТҮЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
51. Норматов О. ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҶАЗАЛАР....	398
52. Нурматова М.М. ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
53. Пардаев А.А. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
54. Примова Ф.А. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
55. Расулов А.М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
56. Расулов Ҳ.М. ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Норкўчқаров Хушвақт Эшназарович

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали

"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ўқитувчиси

E-mail: xushvaqt.norqochqarov@mail.ru

Мансуров Улўғбек Жумаевич

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали

"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ўқитувчиси

E-mail: mansurov1224@mail.ru

АФҒОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ)

For citation: Norkuchkarov Khushvakt, Mansurov Ulugbek. UZBEK INTELLIGENCE AND THEIR ACTIVITY IN AFGHANISTAN (II HALF OF THE XX CENTURY - THE BEGINNING OF THE XXI CENTURY). Look to the past. 2020, SI, pp.373-378



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-47>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг II ярмидан - XXI аср бошларигачабўлган даврда Афғонистондаги ўзбек зиёлилари, уларнинг афғон жамиятида тутган ўрни, Афғонистондаги муҳожир ўзбекларнинг ҳам ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан зиёли, илм-маърифат эгаларига айланганликлари очиб берилади. Уларнинг Афғонистон Фанлар Академияси аъзосига айланиши, ҳатто дунёнинг нуфузли таълим муассасаларида ўзларининг илми ва меҳнати эвазига муҳим ўрин эгаллай олишларининг гувоҳи бўламиз.

Калит сўзлар: Афғонистон, ўзбеклар, минтақа, муҳожир ўзбеклар, Афғонистон Фанлар Академияси, зиёли, илм-маърифатли.

Норкучқаров Хушвақт Эшназарович,

преподаватель кафедры "Узбекский чзык и литература"

Термезиской филиал Ташкентского государственного

Аграрного университета

E-mail: xushvaqt.norqochqarov@mail.ru

Мансуров Улугбек Жумаевич,
преподаватель кафедры "Узбекский язык и литература"
Термезской филиал Ташкентского государственного
Аграрного университета
E-mail: mansurov1224@mail.ru

УЗБЕКСКАЯ ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ И ИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В АФГАНИСТАНЕ (II ПОЛОВИНА XX ВЕКА - НАЧАЛО XXI ВЕКА)

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается, что со второй половины XX века до начала XXI века узбекские интеллигенции в Афганистане, их роль в афганском обществе, узбекские мигранты-узбеки в Афганистане, несмотря на все трудности, стали умными, просвещенными. Мы увидим, как они станут членами Афганской академии наук и даже сыграют важную роль в ведущих мировых учебных заведениях в обмен на их знания и трудолюбие.

Ключевые слова: Афганистан, узбеки, регион, узбеки-мигранты, Академия наук Афганистана, образованные, просвещенные.

Norkuchkarov Khushvakt Eshnazarovich,
teacher of the chair "Uzbek language and literature"
Termez branch of Tashkent State Agrarian University
E-mail: xushvaqt.norqochqarov@mail.ru

Mansurov Ulugbek Jumaevich,
teacher of the chair "Uzbek language and literature"
Termez branch of Tashkent State Agrarian University
E-mail: xushvaqt.norqochqarov@mail.ru

UZBEK INTELLIGENCE AND THEIR ACTIVITY IN AFGHANISTAN (II HALF OF THE XX CENTURY - THE BEGINNING OF THE XXI CENTURY)

ABSTRACT

The article reveals that from the second half of the 20th century until the beginning of the 21st century, Uzbek intelligentsia in Afghanistan, their role in Afghan society, Uzbek migrant Uzbeks in Afghanistan, despite all the difficulties, became smart, enlightened. We will see how they become members of the Afghan Academy of Sciences and even play an important role in the world's leading educational institutions in exchange for their knowledge and hard work.

Index Terms: Afghanistan, Uzbeks, region, migrant Uzbeks, Academy of Sciences of Afghanistan, educated, enlightened.

Долзарблиги. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон ташқи сиёсатда ўзаро тенглик, тинчлик ва ҳамжиҳатликка асосланган йўлдан борди ва бу жиҳат бугунги кунда янги босқичга кўтарилиб, айниқса қўшни давлатлар билан алоқаларимиз янада мустақамланиб, халқларимиз ўртасидаги ижтимоий-маданий муносабатлар ривож топиб бормоқда. Бу эса бизнинг бир минтақа, бир маконда тарихан муштарак бўлган урф-одат ва анъаналаримиз, тилимиз, дин-у эътиқодимиз

бир-бири билан боғлиқ ҳолда шаклланган, қариндош-уруғчилик ва қудандачилик муносабатлари билан боғланган халқлар ҳисобланамиз. Тарихни ўрганишда эса ушбу минтақада яшовчи бир халқни иккинчисидан айро ҳолда ўрганиб бўлмайди.

Ўзбекистон тарихининг барча жабҳалари тарихчи-олимларимиз томонидан чуқур тадқиқ этилаётган бир даврда қўшни ҳудудларда яшовчи халқлар хусусан, ўзбеклар тарихи ҳамушбу тарихнинг тўлдирилиши керак бўлган бир қисми сифатида кўришимиз мумкин. Шу жиҳатдан қараганда айниқса, бугунги кунда Ўзбекистондан ташқарида муқом яшовчи энг кўп ўзбек миллатига мансуб аҳоли Афғонистон ҳудудида яшаб келмоқда. Уларнинг асосий қисми тарихан ушбу ҳудудда яшаб, Амударёнинг ҳар икки томонида бир хил турмуш тарзига эга ҳаёт кечириб, мустақкам алоқалар ўрнатган бўлсалар, кейинги суронли даврларда тақдир тақазоси билан турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ушбу ҳудудга келиб жойлашган ўзбеклар ҳисобига уларнинг сони янада ортганлигини кўришимиз мумкин.

Фанда эса қўшни мамлакатга хос ҳудудий бирлик жиҳатидан Афғонистон ўзбеклари иборасини шаклланганди дейишимиз мумкин.

Афғонистонда яшовчи ўзбекларнинг этник таркиби, турмуш тарзи, маданияти, урф-одати, тили ва ижтимоий таркибидаги ўхшашлик ва ўзига хосликларни ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мақолада асосий масала сифатида ушбу жиҳатлардан бири ҳисобланган Афғонистондаги ўзбек зиёлиларининг фаолияти ва уларнинг афғон жамиятида тутган ўрнига эътибор қаратилади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихни ўрганишда умум қабул қилинган тарихий методлар - тарихийлик, мантиқийлик, қиёсийтаҳлил, изчиллик ва холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, Афғонистондаги ўзбек зиёлиларининг фаолиятига қисқача назар ташланиб, илмий, қиёсий-мантиқий жиҳатдан таҳлил этилади. Ушбу жиҳат алоҳида бир тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган бўлсада, афғон ўзбеклари бўйича асосий манба ҳисобланган Н. Назаровнинг асарларида, ўзбек тарихшунослигида муҳожир ўзбеклар тарихи, унинг сабаб ва оқибатлари бўйича чуқур тадқиқот олиб борган олим Ш. Ҳайитов асарларида, ўзбекларнинг дунё географиясидаги жойлашуви ҳамда қўшни Афғон диёрида туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг сони мамлакат нуфусидаги улуши ҳақида қисқача таҳлиллар олиб борган ўзбек тадқиқотчилари А. Исмоилов ва А. Тошқинлар ҳамда бошқа бир қанча архив материаллари, мақола ва интернет маълумотларидабу ҳақдаги маълумотларни учратишимиз мумкин.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон доимий равишда қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши тарафдори сифатида ҳамиша тинчлик ташаббусини илгари суриб, ушбу минтақадаги можороларга дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиб келади. Худди шундай ташаббуслардан бири 2018 йилнинг баҳорида Тошкентда бўлиб ўтган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги халқаро конференция бунга мисол бўла олади. Мазкур конференцияда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев тарафидан "Афғон заминида Марказий Осиё Уйғониш даврининг Абу Райҳон Беруний, Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби буюк намоёндалари ва бошқа кўплаб бизнинг улуғ аجدодларимиз яшаб ижод этганлар... Бугунги кунда

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида яқин сиёсий, савдо-иқтисодию ва маданий-гуманитар алоқалар йўлга қўйилган. Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди." [1] - дея таъкидланиши мазкур минтақадаги ўзбекларнинг тарихи, тили ва маданияти ягона илдизга эга эканлигидан далолатдир. Шунингдек, ушбу буюк сиймолар дарёнинг икки томонидаги халқлар учун бирдек қадрли эканлигининг намунасидир.

Қадим-қадимдан Марказий Осиёдан Мусо Ал-Хоразмий, Аҳмад Ал-Фарғорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро каби кўплаб жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар, илм даҳолариетишиб чиққан. Уларнинг математика, астраномия, география, фалсафа, мантиқ, тиббиёт ҳамда диний илмлар соҳасида яратган асарлари ҳали-ҳануз асосий қўлланма сифатида бутун дунё аҳли томонидан ўрганилиб келинмоқда. Уларга муносиб ворис бўлиш мақсадида Афғонистон ўзбеклари орасидан ҳам кўплаб имий янгиликлар яратган олимлар етишиб чиқди.

XX асрнинг 70-80 йилларида муҳожир ўзбеклар ва уларнинг фарзандлари орасидан турли мамлакатларда филология, фалсафа, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, иқтисодиёт соҳасида олий маълумотлизиёлилар ва олимлар авлоди тарбияланди. ... Шундай олимлардан бири отаси Ҳожи Карим ўғли ва онаси Зебунисо Наим қиз асли андижонлик бўлган, ўзи 1945 йил Афғонистонда таваллуд топган машҳур антрополог олим, профессор Муҳиб Зариф Шаҳронийдир. Муҳиб Назиф 1976 йилда Сиетлдаги Вашингтон университетиде (АҚШ) "Афғонистондаги қирғизлар ва ваҳийлар" номли номли мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Афғонистон, Покистон, Туркия, АҚШда ўтказилган археологик қазишма ишларида қатнашади. Вашингтон, Гарвард университетлари, Питзер коллежида талабаларга "Ўрта Осиё антропологияси" фанидан дарс берди. 1985-1990 йилларда АҚШдаги Калифорния университетининг "Антропология ва Ўрта Шарқ тадқиқотлар институти"да тўла профессорлик (АҚШдаги профессорлик унвонининг энг олий, олтинчи поғонаси) лавозимида ишлади. 1990 йилдан Колимбия университетига ишга ўтди. "Афғонистондаги қирғизлар ва ваҳийлар" (1979), "Афғонистонда инқилоблар ва қўзғалонлар" (1984), "Мусулмон совет Ўрта Осиё жумҳурияларида ўзлигини идрок этишнинг тадрижий ўсиши" (1985), "Ҳозирги Афғонистон ва Туркистонда ислом таълимоти ва ижтимоий бетарафлик" (1991) каби тадқиқотларини ҳамда қирғиз муҳожирларининг йўлбошчиси Раҳмонқулихон (1900-1986) ҳақидаги ўнлаб илмий мақолаларни чоп этдирди. У ўзини Заҳириддин Муҳаммад бобур (1483-1530) шажарасидан деб ҳисоблайди [2, Б.119-120].

Афғонистондан Саудия Арабистонига кўчиб ўтган ватандошимиз Мубашширхон Салмон Косоний ўзбек тилида, араб имлосида уч жилдди "Ўрта Осиё тарихи" китобини нашр қилдирган. У ўзи истиқомат қиладиган Ахбо шаҳридан Мадинага боиб, Абдулқодир Марғилонийнинг "Мактаби Имон" кутубхонасига қарашли матбаада тарихий китобни чоп этдирган [3, Б.81-82].

Афғонистон Фанлар Академияси 1980 йиллар ташкил бўлиб, Фанлар Академиясига охири сайлов 1986 йилда бўлиб ўтиб, саккиз Академик ва 32 мухбир аъзо сайланган. Ўзбеклардан Ёқув Воҳидий домла мухбир аъзо сифатида сайланган [4, Б.46-47].

Шунингдек, Афғонистонлик ўзбек Файзулло Аймоқнинг "Афғонистон ўзбеклари

халқ кўшиқлари" мавзусидаги диссертацияси илк бор Афғонистон ўзбеклари фольклори тадқиқоти ҳақидаги юксак мақсадга қаратилган илмий ишдир.

Афғонистон Фанлар Академияси Ўзбек тили ва адабиёти бўлимида фаолият кўрсатган ўзбек шоираси Шафиқа Ёрқин Бобурнинг "Бобурнома" асари 460 йиллиги юбилеи шарафига (1990 йил) "Бобурнинг шеърий девони", "Бобурга армуғон" деган шеърий тўпларини нашрга тайёрлаган. Алишер Навоийнинг 550 йиллиги йубилеи олдидан (1991 йил) Шафиқа Ёрқин ушбу бўлим бошлиғи афгон олими (жужонлик ўзбек) профессор Муҳаммад Ёқуб Воҳидий билан ҳамкорликда адибнинг "Муҳакаматул Луғатайн", "Меъзонул-авзон", "Вақфия" асарларини нашрга тайёрлади [5, Б.25].

Кейинги йилларда ўзбек тили ва адабиёти соҳасида илмий янгиликлар, мактаблардаги ўзбек ўқувчилари учун дарсликлар яратиш ҳамда Афғонистон Фанлар Академияси таркибида ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борган ва ўзбек тилида шеърий тўпларини чоп этилганбир неча ўзбек шоирлари Салом Осим, Файзулло Қардош, Матин Андхўйий ва бошқаларни айтиб ўтишимиз мумкин [6, Б.13-14].

Шу ўринда айтишимиз керакки, Афғонистондаги ўзбек зиёлиларини икки гуруҳга: маҳаллий туб жой ўзбек зиёлилари ва турли сабаблар билан Туркистон ҳудудидан Афғонистон ҳудудига муҳожир сифатида ўтган ўзбек зиёлиларига ҳам ажратишимиз мумкин. Бундан ташқари бу минтақага муҳожирликка ўтган ўзбеклар орасида кўпчилиги бу ҳудудда узоқ яшамасдан яна бошқа исломий-араб ёки Фарб давлатларига муҳожирликни давом эттирганига гувоҳ бўламиз. Бу жиҳат асосан муҳожирликка келганлар орасида кўпроқ кўзга ташланади.

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Афғонистонда ҳар қанча чигал ва мураккаб вазият юз бермасин ёки муҳожирликка кетиб, дарба-дар юртсизлик азобини чекмасин ўзбек халқи қонида аждодаларининг илм ўрганишга бўлган интилиши ҳеч қачон сўнмаслигини, ўз илми ва меҳнатсеварлиги билан ҳар қандай вазиятда ҳам буюк боболари изидан бориб, зиёли, илм-маърифатли бўлаолишини кўрсатиб бераолганлигини кўришимиз мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Мирзиёев Ш.М. Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи // "Халқ сўзи" газетаси, № 59-60 (7017-7018) - сон, 2018 йил 28 март. (Mirziyoev Sh. M. Speech of the International Conference on Afghanistan "Peace Process, Security Cooperation and regional Partnership" // KhalkSuzi newspaper, No.59-60 (7017-7018), march 28, 2018)

[2] Ҳайтов Шодмон. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). - Тошкент, "ABU MATBUOT KONSALTING". - 2008. - 207 бет. (Khaitov Sh. History of Uzbek Immigration (1917-1991). - Tashkent, "ABU Press Consalting". - 2008. - 207 pages.)

[3] Ҳайитов Ш.А., Саидов И.М. Хориждаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. Монография. - Самарқанд, "MEHRIBON-POLIGRAF SERVIS", 2015. - 159 бет. (Khaitov Sh. A., Saidov I. M. History and Ethnography of Uzbeks Abroad. Monography. - Samarkand, "MEHRIBON-POLIGRAPH SERVIS", 2015. - 159 pages)

[4] Назаров Н. Афғонистон ўзбеклари. - Тошкент, 2011. // N. Nazarov. Uzbeks of Afghanistan. - Tashkent, 2011.

[5] Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватан дея ватансиз қолганлар. - Бухоро, "Бухоро" нашриёти, 2005. - 159-бет. (Khaitov Sh.A., Badriddinov S. Having said their homeland, they were left whithout a homeland. - Bukhara. BukharaPulishing House, 2005. -P.159)

[6] Исмоилов А., Тошқин А. Афғонистондаги туркий тиллар вазиятига доир// "Шарқ машъали" журнали, 2005 йил, № 1. Б.12-16.(Ismailov A., Toshkin A. The Turkic Languages Situation in Afghanistan // Magazine "The Torch of the East", 2005, No. 1. -P. 12-16)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000